

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023 йилга мўлжалланган**  
**АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/p	Вазифа	Амалий чора-тадбир	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Ижроси
<b>I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ</b>					
<b>1-мақсад: Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш</b>					
1.	<b>1-илова 1-банд:</b> Мактабгача таълим билан қамров даражасини 74 фоизга етказиш.	Давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари сонини 26 минггага етказиш.	2023 йил якунига қадар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>О.Фозилкаримов</b>	<b>Бажарилди.</b> Тизимдаги МТТлар сони <b>33 942</b> тани ташкил этмоқда ( <i>6 780 таси давлат ва 27 162 таси нодавлат</i> ). <b>Маълумот учун:</b> нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг 847 таси хусусий, 1 388 таси ДХШ асосидаги ва 24 927 таси оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир. Республика бўйича <b>2 930 844 нафар</b> 3-7 ёшли болалар мавжуд бўлиб, уларнинг <b>2 169 538 нафари</b> ёки <b>74,0 фоизи</b> мактабгача таълим билан қамраб олинди.
2.	<b>1-илова 2-банд:</b> Давлат мактабгача таълим ташкилотларида <b>автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш.</b>	1. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида <b>автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш</b> учун мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш. 2. Мактабгача таълим тизимида ноқонуний молиявий хатти-ҳаракатлар, коррупция ва бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларининг вужудга	2023 йил ноябрь  2023 йил ноябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>О.Фозилкаримов</b>	<b>Бажарилди.</b> Давлат мактабгача таълим ташкилотларида автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш учун мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди ҳамда Мактабгача таълим тизимида ноқонуний молиявий хатти-ҳаракатлар, коррупция ва бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлаётган омиллар ўрганилди. Натижаси юзасидан

		<p>келишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш.</p> <p>3. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида биометрик идентификация қилиш технологиясини қўллаган ҳолда ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давоматини юритишни йўлга қўйиш орқали бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил декабрь		<p>таҳлилий маълумотлар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. (14.11.2023 й. 02/1-422-сонли хат)</p> <p><b>“Мактабгача таълим тизимини рақамлаштириш ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада тақийллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”</b>ги Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. (ID-78106) (1.11.2023 й. 01/8-056-сонли хат)</p>
<b>2-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш.</b>					
3.	<p><b>1-илова 3-банд:</b> Ислон тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи ва Таълим учун Глобал ҳамкорлик ташкилотининг <b>“Ўзбекистон Республикасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш”</b> қўшма молиялаштириш лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Лойиҳани бошқариш гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш, <b>янги қуриладиган объектларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш</b> билан боғлиқ харажатларга Давлат бюджетидан маблағларни ажратиш.</p> <p>2. Лойиҳа бўйича амалга оширилган харажатларни Ислон тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан <b>ретроактив молиялаштириш асосида</b> қоплаш бўйича таклиф киритиш.</p> <p>3. Лойиҳа доирасида умумий <b>ўрта таълим муассасаларини</b></p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>О.Фозилкаримов,</b> Инвестициялар, саноат ва савдо вазири <b>Л.Кудратов</b></p>	<p><b>Бажарилди.</b> 1. Лойиҳани бошқариш гуруҳининг минимал талаб этиладиган штатлар жадвали ва иш ҳақи миқдорлари шакллантирилиб, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун талаб этилаётган ҳисобий маблағлар миқдори <b>4,2 млрд. сўм</b> (343 688 АҚШ доллар)ни (шундан, жорий йил якунига қадар 2,2 млрд сўм ва 2024 йил январь-май ойлари учун 2 млрд сўм) ташкил этаётганлиги асослар билан ҳисоблаб чиқилди. Ушбу ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб лойиҳани сифатли ва самарали йўлга қўйиш мақсадида харажат турлари бўйича давлат бюджетидан талаб этилаётган маблағларни ажратилиши юзасидан</p>

		<p>қуриш учун зарур ер участкаларини ажратиш.</p>			<p>вазирликнинг 2023 йил 10 октябрдаги 03-01/7-4287-сонли хати Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг жорий йилнинг 16 октябрдаги 06/33-2-4065-сон жавоб хатига асосан <b>“Ўзбекистон Республикаси таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича SmartED қўшма лойиҳаси”</b>ни бошқариш гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатларни 2023 йил учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгиланди.</p> <p><b>2.</b> Топшириққа мувофиқ харажат турлари бўйича давлат бюджетидан талаб этилаётган маблағларни ажратилишида юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, лойиҳанинг молиявий шартлари ва лойиҳа компонентларнинг якуний муҳокамаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритилди.</p> <p><i>(10.10.2023 й. 03-01/7-4287-сонли хат, 25.10.2023 й. 03-01/7-4512-сонли хат)</i></p> <p><b>3.</b> Бугунги кунда, мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё (5 та), Сурхондарё (2 та) ва Хоразм (1 та) вилоятлари ҳокимликларининг умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш учун зарур ер</p>
--	--	---	--	--	---

					участкаларини ажратиш тўғрисидаги тегишли қарорларига асосан <b>8 та</b> мактаб қуриш учун ер майдонлари ажратилган.
4.	<b>1-илова 4-банд:</b> Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг қурилиш ишлари устидан <b>жамоатчилик назоратини</b> ўрнатиш.	Янги қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган мактабгача ва мактаб таълими муассасаларида олиб борилаётган ишларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган болаларга “тўсиқсиз муҳит” яратиш устидан доимий назорат қилиш ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш. Умумтаълим мактаблари қурилиши ва сақланиши тўғрисида алоҳида шаҳарсозлик, санитария қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда янги қуриладиган мактабларнинг намунавий лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш амалиётини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар киритиш.	2023 йил декабрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги <b>Б.Закиров,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова</b>	<b>Бажарилди.</b> Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда Осиё Тараққиёт Банкининг халқаро техник консультантларни жалб қилган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида умумий ўрта таълим мактабларини қуриш билан боғлиқ бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Шунга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2023 йил 15 сентябрдаги “ <b>Умумтаълим мактабларида таълим шароитлари ва ташкил этилишига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар (0341-16-сон СанҚваН)га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида</b> ” 22-сон қарори қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023-йил 29 сентябрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 215)
<b>3-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш</b>					
5.	<b>1-илова 5-банд:</b> Умумий ўрта таълим муассасаларида	1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфида <b>“Информатика ва ахборот</b>	2023 йил декабрь	Мактабгача ва мактаб таълими	<b>Бажарилди.</b> <b>1. Вазирликнинг “Илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни</b>

	<p><b>1-синфдан компьютер саводхонлиги дарсларини жорий этиш.</b></p>	<p><b>технологиялари”</b> фанини ҳафтасига <b>бир соатдан</b> ўқитилишини йўлга қўйиш.</p> <p>2. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун <b>қисқа муддатли малака ошириш</b> ўқув курсларини ташкил этиш.</p>		<p>вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Таълимни ривожлантириш республика илмий- методик маркази <b>В.Ҳамидов</b></p>	<p><b>амалиётга жорий этиш бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”</b>ги буйруғи тасдиқланди. (7.08.2023 й. 232-сонли буйруқ)</p> <p>Буйруқ билан, илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни амалиётга жорий этиш бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув курсларида иштирок этувчи <b>тингловчилар рўйхати, таянч ўқув режаси</b> ва ўқув курсларининг <b>намунавий дастури</b> тасдиқланган.</p> <p>2. Илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни амалиётга жорий этиш бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун <b>36 соатлик</b> тренерлар тайёрлаш ўқув курсларининг биринчи босқичи жорий йилнинг 14-17 август кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Ушбу курсларда ҳудудлардан ташриф буюрган <b>307 нафар</b> зиёд педагоглар тренер сифатида тайёрланди.</p> <p>А.Авлоний миллий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган <b>18 соатга</b> мўлжалланган ўқув режа ва дастурлар асосида 24-31 август кунлари Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида <b>“Илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни амалиётга жорий этиш”</b> бўйича ўқув курслари иккинчи босқичи ташкил этилди. Бунда, <b>8 240 нафар</b></p>
--	---	--	--	--	---

					<p>бошланғич таълим методик бирлашма раҳбарлари қамраб олинди.</p> <p>Бошланғич таълим методик бирлашма раҳбарлари томонидан жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида ўз мактабларида <b>119 минг нафар</b> бошланғич синф ўқитувчилари учун илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни амалиётга жорий этиш бўйича <b>18 соатга</b> мўлжалланган (3 кунлик) ўқувларнинг <b>каскад усулида учинчи босқичида</b> машғулотлар ўтказишди.</p> <p>Шунингдек, “Илғор тажрибалар асосида яратилган дарсликларни амалиётга жорий этиш” бўйича ўқув курси “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасига ҳам жойланиб, республикамиздаги барча педагог кадрлар учун мустақил ўқишига шароит яратилди.</p> <p>Ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган бошланғич таълим ўқитувчиларига “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси орқали QR-кодли сертификатларни олиш имконияти яратилиб, <b>9 937 нафар</b> педагог сертификат олди.</p>
6.	<p><b>1-илова 6-банд:</b> Умумий ўрта таълим муассасаларида юқори синф ўқувчиларининг қобилияти ва танлови асосида таълим</p>	<p>1. Таянч ўқув режаси ҳамда амалда мавжуд синфлар доирасида <b>Кимё – биология, физика – математика, она тили – чет тили, математика – чет тили</b></p>	<p>2023 йил сентябрдан бошлаб босқичма-босқич</p>	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Таълимни ривожлантириш</p>	<p><b>Бажарилди.</b> <b>1. Вазирликнинг “Умумтаълим мактабларида юқори синф ўқувчиларининг қобилияти ва танлови асосида таълим жараёнларини ташкил</b></p>

	<p><b>жараёнларини этиш.</b></p> <p><b>ташкил</b></p>	<p>йўналишларида ўқув режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>2. 2023/2024 ўқув йилида республика бўйича <b>120 дан ортиқ умумий ўрта таълим муассасаларида</b> тажриба-синов тариқасида танлов фанларини жорий қилиш.</p>		<p>республика илмий-методик маркази</p> <p><b>В. Ҳамидов</b></p>	<p><b>этишни тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида</b>”ги буйруқ қабул қилинди.</p> <p>(27.06.2023 й. 192-сонли буйруқ)</p> <p>Бунда, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида (10-11-синф) <b>4 та</b> йўналиш (<i>математика-физика, она тили-чет тили, кимё-биология, математика-чет тили</i>) бўйича танлов фанлари белгиланиб, <b>тажриба-синовдан ўтказиш тартиби, ўқув режалари, тушунтириш хати, тажриба-синовдан ўтказиладиган мактаблар рўйхати</b> тасдиқланди.</p> <p><b>2.</b> Танлов фанлари <b>135 та</b> мактабнинг <b>137 та</b> синфида тажриба-синов тарзида жорий этилди.</p> <p><i>Маълумот учун: математика-физика 16 та, кимё-биология 30 та, она тили-чет тили 40 та, математика-чет тили 51 та.</i></p> <p>Белгиланган таянч ўқув режага мувофиқ, <b>4 та</b> йўналиш бўйича <b>11 та</b> мажбурий (<i>она тили ва адабиёт, рус тили, чет тили, тарих, тарбия, математика, физика, кимё, биология, жисмоний тарбия, ЧҚБТ</i>) ва <b>2 та</b> танлов фанларини ўқитиш белгиланди.</p> <p>Шу билан бирга, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларининг ўқув дастурлари таҳлил қилиниб, <b>танлов фанлари учун мослаштирилди.</b> Республика таълим маркази томонидан танлов фанларининг <b>тақвим мавзу режалари, ўқув мақсадлар</b> ишлаб чиқилди.</p>
<p><b>4-мақсад: Педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш</b></p>					

7.	<p><b>1-илова 7-банд:</b> Педагогларга <b>малакасини ошириш</b> <b>имкониятларини</b> <b>кенгайтириш.</b></p>	<p>“Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни <b>хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш</b> режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимлари меҳнатига <b>ҳақ тўлаш шароитларини</b> яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил ноябрь	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> “Эл-юрт умиди” жамғармаси <b>А.Бекмуродов,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>О.Фозилкаримов</b></p>	<p><b>Бажарилди.</b> “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни <b>хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш</b> режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимлари меҳнатига <b>ҳақ тўлаш шароитларини</b> яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p><i>(22.11.2023 й. 03-02/1-4975-сонли хат)</i></p> <p>Режага мувофиқ, ҳар йили <b>АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Финландия, Россия, Белорусия</b> давлатларига таълим соҳасининг педагогика йўналишларида <b>30 нафар</b> ходимларни бир ойгача бўлган муддатда малака ошириш курсларига, икки ойгача бўлган муддатда стажировкага юбориш кўзда тутилмоқда.</p> <p>Шунингдек, Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шароитларини яхшилаш бўйича хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировкадан ўтиб, директор ёки директор ўринбосари лавозимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақига бир йил мобайнида директор жамғармасидан</p>
----	---	---	--------------------	--	--



					базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдориди ҳар ойлик устама белгилаш; хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировкадан ўтиб, директор ёки директор ўринбосари лавозимида бир йилдан ортиқ муддатда фаолиятини давом эттирганда бошқарув фаолияти натижаларига кўра кейинги бир йил учун 100 фоиз устама белгилаш ва шу каби таклифлар киритилди.
<b>15-мақсад: Болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш</b>					
8.	<b>1-илова 21-банд:</b> Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, туғишлар ўртасидаги мақбул оралиққа риоя қилиш, ирсий касалликлар профилактикаси аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш.	<b>1. ФХДЁ</b> органларида <b>“Ёш келин-куёвлар мактаби”</b> фаолиятини олиб бориш ва уларни махсус курслардан тўлиқ ўтишини таъминлаш. <b>2.</b> Мактабларда, маҳалла ва оилаларда ўсмир йигитлар ва уларнинг оталари, шунингдек, вояга етмаган қизлар ва уларнинг оналари билан <b>қариндошлар орасидаги ҳамда эрта никоҳ ва ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари</b> бўйича алоҳида давра суҳбатлари ўтказиш. <b>3. Мақбул оралиққа риоя қилмаган ҳолда туғишларнинг она ва бола организмига салбий оқибатлари, туғишлар орасидаги мақбул оралиққа риоя қилишнинг афзалликлари ва замонавий чоралари</b> тўғрисида оилаларда ёш	2023 йил декабрь	Вазирлар Мақамаси <b>З.Махкамова,</b> Соғлиқни сақлаш вазирлиги <b>А.Иноятов,</b> Адлия вазирлиги <b>А.Ташкулов,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<b>Бажарилди.</b> Ҳудудларда <b>“Мактаблар, маҳалла ва оилаларда ўсмир йигитлар ва уларнинг оталари, шунингдек, вояга етмаган қизлар ва уларнинг оналари билан қариндошлар орасидаги ҳамда эрта никоҳ, ва ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари бўйича алоҳида давра суҳбатлари”</b> ни ўтказиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилди. <b>“Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари”</b> мавзусида ўқувчи-қизлар ва уларнинг ота-оналари билан <b>9 123 та</b> тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, таълим муассасаларида Соғлом авлод хайрия фонди билан биргаликда <b>“Эрта турмушга йўқ деймиз!”</b> мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Унда, <b>1,5 млн. нафардан ортиқ</b> қизлар қамраб олинди. Шу билан бирга, 1-7 синфлар <b>“Саломатлик дарслари”,</b> 8-11 синфларда <b>“Рўзғор юритиш сирлари”</b> ва

		<p>келинчак ва унинг оила аъзолари билан биргалиқда индивидуал суҳбатлар ўтказиш.</p> <p><b>4.</b> Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, туғишлар ўртасидаги мақбул оралиққа риоя қилиш, ирсий касалликлар профилактикаси масалалари бўйича тарқатма материаллар (флайер, буклет) видео материал ва роликлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда намоёниш қилиш.</p>			<p><b>“Соғлом оила асослари”</b> бўйича <b>“Синф соати”</b>, <b>“Тарбиявий соат”</b>лар доирасида тушунча ва тавсиялар берилмоқда.</p> <p>Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди.</p> <p>(30.10.2023 й. 06-06/1-2785-сонли хат)</p>
<b>33-мақсад: Ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш</b>					
9.	<p><b>1-илова 54-банд:</b></p> <p>Ёшларга замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиш, уларни юқори даромадли соҳаларда бемалол ишлай олишлари учун шароит яратиш.</p>	<p><b>“Бир миллион дастурчи”</b> лойиҳасини кенгайтириш орқали энг иқтидорли ёшларни танлаб олиб, халқаро <b>нуфузли компаниялар талабларига мос дастурлар асосида</b> халқаро IT бозорига тайёрлаш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p> <p><b>Ш.Шерматов,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p> <p><b>Х.Умарова,</b> Ёшлар ишлари агентлиги</p> <p><b>А.Саъдуллаев,</b> Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p> <p><b>И.Абдурахманов,</b> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>2023-2025 йилларда <b>“Бир миллион дастурчи”</b> лойиҳаси доирасида <b>uzbecoders.uz</b> платформаси орқали <b>“Coursera”</b> платформасининг бепул ва профессионал курсларида ўқувчи-ёшларнинг ўқитилмоқда.</p> <p><b>“Coursera”</b> платформасида ўқиш имкониятлари ҳақида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT парк) ходимлари билан ҳамкорликда 2023 йил 10-28 июль кунлари вазирлик ва тизим такшилотларида <b>500 дан ортиқ</b> семинар-тренинглар ташкил этилди. Бунда, <b>134 508 нафар</b> ўқувчилар ва ўқитувчилар қамраб олинди.</p>

				вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>Бугунги кунда <b>353 940 нафар</b> ўқувчилар ИТ бўйича курсларда таълим олмоқда, шундан <b>284 653 нафар</b> ўқувчилар (95%) <b>Халқаро даражадаги сертификатни</b> қўлга киритди.</p> <p>“Courseera” платформасининг профессионал курсидан рўйхатдан ўтганлар <b>1 034 нафарни</b>, шундан <b>420 нафар</b> (41%) сертификат олган.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар Адлия вазирлигига киритилди.</p> <p>(9.11.2023 й. 04-04/2-1292-сонли хат)</p>
<b>34-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар қамровини кенгайтириш</b>					
10.	<b>1-илова 55-банд:</b> Спорт билан шуғулланадиган ёшлар қамровини кенгайтириш	<p><b>1. “Беш ташаббус олимпиадаси”</b> доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақаларидаги <b>спорт турлари географиясини кенгайтириш ва танловлар сифатини ошириш.</b></p> <p><b>2.</b> Мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчилари, профессионал таълим ва олий таълим муассасалари талабаларини <b>оммавий спорт турларига босқичма-босқич кенг жалб қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.</b></p>	2023 йил декабрь	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги <b>А.Икромов,</b> Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги <b>И.Абдурахманов,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p><b>Бажарилди.</b> Тизимдаги <b>10 162 та</b> мактабнинг <b>7 898 тасида</b> спорт заллари, шунингдек, <b>29 073 та</b> (<i>баскетбол, волебол, футбол, гандбол, мини-футбол</i>) спорт майдонлари ва теннис кортлари мавжуд.</p> <p>Бугунги кунда умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари спортнинг <b>14 та</b> туридан (<i>баскетбол, волебол, футбол, гандбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, кураш, мини-футбол, бокс, дзюдо, регби, бадий гимнастика</i>) ташкил этилган <b>64 мингта спорт секцияси</b> машғулотларида <b>1,5 млн. нафар</b> ўқувчи-ёшлар шуғулланиб келмоқда.</p> <p>Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда <b>“Беш ташаббус</b></p>

		<p><b>3.</b> Аҳолининг кенг қатламлари, жумладан <b>уюлмаган ёшларни</b> спортга қизиқтириш ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш доирасида <b>юриш ва югуриш каби мусобақаларни ташкил этиб бориш.</b></p> <p><b>4.</b> Аҳоли, айниқса, <b>ёшлар ўртасида</b> жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали уларнинг <b>жисмоний қобилиятини</b> оширишга қаратилган комплекс чоратадбирларни амалга ошириш.</p> <p><b>5.</b> Республика ҳудудларида, айниқса, <b>олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш</b>, шу жумладан <b>универсал спорт майдончаларини босқичма-босқич барпо этиш</b> ҳамда бу орқали <b>аҳолининг спорт билан шуғулланиш имкониятларини янада кенгайтириш.</b></p> <p><b>6.</b> Аҳолининг <b>ёш тоифалари бўйича</b> республиканинг барча ҳудудларида ҳар йили <b>жисмоний тайёргарлик синовларини ўтказиш</b> ҳамда мазкур тадбирларга фуқароларни жалб қилиш.</p>			<p><b>олимпиадаси”</b> доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 7-10 ёшли болалар ўртасида <b>“Қувноқ стартлар” спорт мусобақалари</b>, беш босқичли спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича <b>Низом</b> ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.</p> <p>Низомга мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида <b>“Беш ташаббус олимпиадаси”</b> доирасида шахмат, шашка, енгил атлетика, стол теннис, мини-футбол, волейбол ва қувноқ стартлари бўйича уч босқичда, биринчи босқичи жорий йилнинг 11-20 сентябрь, иккинчи босқичи 30 сентябрь – 10 октябрь ҳамда учинчи босқичи 20-30 октябрь кунлари ўтказилди.</p> <p>Мусобақанинг <b>биринчи босқичида 3,8 млн. нафардан ортиқ</b> (шундан 1 млн. 730 минг нафари қизлар);</p> <p><b>Иккинчи босқичда 648 минг нафар;</b></p> <p><b>Учинчи босқичда 13 минг нафардан ортиқ</b> ўқувчилар иштирок этиб, <b>434 нафар</b> ғолиб ва совриндор ўқувчилар медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар Адлия вазирлигига киритилди.</p> <p><i>(19.12.2023 й. 06-04/3-3445-сонли хат)</i></p>
--	--	---	--	--	--

		<p><b>7. Миллий</b> қадриятларимизни тиклаш, ёш авлодга етказиш мақсадида ҳар йили <b>“Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари”, “Улоқ”</b> ва <b>“Кўпқари”</b> каби этнофестивалларни ўтказиш орқали ушбу тадбирларга ёшларни жалб қилиш.</p> <p><b>8. Спорт</b> билан шуғулланадиган ёшлар қамровини боғча ёшидан бошлаб кенгайтириш чораларини кўриш.</p>			
<b>35-мақсад: Республикада спорт билан профессионал ва доимий шуғулланувчи ёшлар улушини ошириш</b>					
11.	<p><b>1-илова 56-банд:</b> Спорт-таълим муассасаларида шуғулланувчи ёшлар сонини ошириш.</p>	<p><b>1.</b> Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида <b>ривожлантирилаётган спорт турлари</b> бўйича <b>миллий</b> ва <b>ҳудудий терма жамоаларга номзодларни аниқлаш, саралаш (селекция) ва тайёрлаш</b> тизимини янада такомиллаштириш.</p> <p><b>2.</b> Халқаро спорт ташкилотлари билан <b>ҳамкорликни кучайтириш</b> орқали Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактаблари ўртасида <b>ўзаро</b></p>	2023 йил декабрь	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги <b>А.Икрамов,</b> Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова</b>	<p><b>Бажарилди.</b> Тизимда <b>90 та</b> Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари (<i>кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, ақли заиф, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган ва нутқида нуқсони бор болалар учун</i>) мавжуд бўлиб, уларда <b>21 447 нафар</b> (8 136 нафар қизлар) болалар тарбияланиб келинмоқда.</p> <p><b>Маълумот учун:</b> мактабларнинг 20 таси жумладан, 17 таси кўзи ожиз, заиф кўрувчи ҳамда 3 таси таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлари ҳисобланади.</p> <p>“Нурли маскан” ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари таълим муассасаларида фаолият юритаётган</p>

		тажриба алмашиш тизимини яратиш.			<p><b>176 нафар</b> жисмоний тарбия фани ўқитувчилари билан бирга паралимпия спорт турлари бўйича <b>37 нафар</b> тренер-ўқитувчилар жалб қилинган.</p> <p>Улар томонидан <b>338 нафар</b> ўқувчилар спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этиш учун тайёрлаб келмоқда.</p> <p>Шунингдек, таълим муассасаларида параспортнинг <b>13 та</b> туридан (5x5 футбол, голбол, баскетбол, волейбол, энгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, кураш, дзюдо, спорт гимнастика, армрестлинг, таевандо) <b>68 та</b> спорт секцияси машғулотларига <b>1,5 минг нафарга яқин</b> ўқувчи-ёшлар жалб қилинган.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар Адлия вазирлигига киритилди.</p> <p>(19.12.2023 й. 06-04/3-3445-сонли хат)</p>
<b>39-мақсад: “Ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг оммалаштириш, жамиятда китобхонликни ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни ривожлантириш</b>					
12.	<b>1-илова 61-банд:</b> Мамлакатимизда <b>китобхонликни тарғиб қилишнинг таъсирчан ва самарали</b> усулларини жорий қилиш.	Китобхонлик тадбирларини ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда: ушбу йўналишда қулай шарт-шароитлар яратиш; китобхонлик тадбирларини таниқли ижодкорлар, зиёлилар иштирокида адабиёт ва китобхонлик байрами сифатида юқори савияда ташкил қилиш;	2023 йил декабрь	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги <b>А.Ходжаев,</b> Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Ўзувчилар уюшмаси	<b>Бажарилди.</b> Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда республика миқёсида <b>“Китобхонлик фестивал”</b> лари ўтказилди. Жорий йилда <b>3 та</b> (Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида) <b>“Китобхонлик фестивал”</b> и ўтказилди.

		<p><b>“Китобсевар миллат”</b> ойликлари доирасида маърифий тадбирлар, китоб савдо-ярмаркалари, китоб фестивалларини уюштириш назарда тутилади.</p>		<p><b>С.Саидов</b></p>	<p>Фестивал доирасида <b>“Энг китобхон мактаб”, “Энг фаол китобхон ўқувчи”, “Ижодкор болалар”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи”</b> кўрик-танловлари ташкил этилди. Ушбу танловларга <b>800 мингдан ортиқ</b> ўқувчилар жалб этилди.</p> <p>Шунингдек, <b>“Китобхонлик ҳафталиги”</b> эълон қилиниб, ҳафталик давомида мактаб кутубхоналарида <b>“Очиқ эшиклар куни”, “Китоб совға қил, маънавият улаш”</b> китоб акциялари, викторина ва китобхонлик тадбирлари ташкил қилинди. Унга <b>490 мингдан ортиқ</b> ўқувчилар қамраб олинди.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Адлия вазирлигига маълумот киритилди.</p> <p><i>(30.11.2023 й. 06-04/3-3180-сонли хат)</i></p>
--	--	--	--	------------------------	--